



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

АБДУРАХМОН ТАМКИН ИЖОДИДА МАЪРИФИЙ ҒОЯ ВА УНИНГ БАДИЙ ИФОДАСИ

Чориева Мехринисо Қиёмиддиновна

Бухоро давлат техника университети оталифидаги

Пешкӯ туман 1 сон политехникум. ф.ф.ф.д (PhD)

onatilichoriyeva@gmail.com

+998914042918

Аннотация:

Ушбу мақолада Абдураҳмон Тамкин ижодида маърифий ғоя ва унинг бадиий ифодаси таҳлил этилган. Шоир асарларида илм-маърифат, юксак ахлоқ ва инсонпарварлик ғоялари кенг ёритилган. Унинг ижоди ҳам адабий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, давр воқеликларини акс эттиради. Шунингдек, мақолада Тамкиннинг таржимаи ҳоли, унинг Бухородаги илмий ва адабий мұҳити ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг асарлари халқ маънавиятини юксалтиришда мұхим ўрин тутади.

Аннотация:

В этой статье анализируется просветительская идея и ее художественное выражение в творчестве Абдурахмана Тамкина. В произведениях поэта широко освещаются идеи науки-просвещения, высокой нравственности и гуманизма. Его работы имеют как литературное, так и социальное значение и отражают реалии того времени. Также в статье представлена биография Тамкина, сведения о его научной и литературной среде в Бухаре. Его произведения занимают важное место в возвышении народной духовности.

Annotation:

This article analyzes the enlightened idea and its artistic expression in the work of Abdurahman Tamkin. In the works of the poet, the ideas of Science and enlightenment, high morality and humanism are widely covered. His work has both literary and social significance and reflects the realities of the time. The article also



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

provides information about Tamkin's biography, his scientific and literary environment in Bukhara. His works are central to the uplifting of folk spirituality.

Калит сўзлар: “Ёғду” асари, “Дор уш-шифо” мадрасаси, “Фаҳр ёғдулари ва истаклар жилвалари”, Абдураҳмон Тамкин ижоди, “Тамкин” тахаллуси.

Ключевые слова: произведение“ Ягду“, медресе” Дор уш-Шифа“,,” гордость и блеск желаний“, творчество Абдурахмана Тамкина, псевдоним” Тамкин”.

Keywords: the work” Yogdu“, the madrasa” Dor ush-Healing“,,” The Raincoats of pride and the gilding of desires“, the work of Abdurahman Tamkin, the pseudonym” Tamkin”.

Абдураҳмон Тамкин ижодининг яна бир намунаси бу “Ёғду” асари бўлиб, шоир унда илм нури унинг дунёни ёритгувчи куч, зулмат бағрига сочилган учқун эканлигини ўзгача таърифлайди. Уни ҳосил қилган хилқат фанда ҳозиргача тўлиқ ўрганилган эмас. Унинг сирти ёруғ, ичи эса чексиз қоронғу олам. Тафаккур ҳалигача ичкарисига кира олмаган. Ҳажми миллион-миллион микромиллиметрлардан ҳам кичик. Ҳатто энг замонавий компьютер заррабини ҳам унинг фақат ҳаракатини сезади, холос. Қанча замонлардан бери одамзот фикрлари унда тарқалиб, адашиб юрибди. Тезлигига бизга маълум табиатда ҳали ҳеч нарса ета олмаган. У – ёруғлик...

Ёғду тушган қалдан ғафлат зулмати чекинади. Инсон кўксидаги момақалдириқлар гумбурлайди, чақинлар чақнайди, ям-яшил майсалар униб чиқмаган жой қолмайди, булоқ сувлари жилгаларни тўлдиради, тафаккур тегирмони кеча-қундуз тўхтовсиз ишлай бошлайди.

Инсон қалби, жамият ҳамиша ёғдуга муҳтож. Ҳолбуки, атроф уларга тўлиб-тошиб ётибди...

“Матолиъ ул-фохира ва матолиб уз-зохира” асарида келтирилишича:



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

“Абдураҳмон Бухорий, “Тамкин” тахаллуси билан ижод қилган. Шўролар инқилобидан олдин Дорушшифо мадрасасида мударрис бўлган. Бўлажак шифокорларга тиббиёт фанидан таълим берарди.¹

Абдулахожа Абдий шоир ҳақида: “Ажойиб таъби бор эди, гоҳида ҳажвга ҳам киришиб кетарди”, деб ёзади ва унинг ғазалларидан намуналар келтиради”². ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Абдураҳмон Тамкин Бухорийнинг бир нечта асари сақланади.

I.“Рубоиёти Тамкин”, №136, 111 варак, 23,5x17,5 см. Муаллиф дастхати, ҳижрий 1320 йили (1902 – 1903) тугалланган.

II.“Жараид” (Саҳифалар), №2877 рақами билан қайд этилган, 85 варак, 25x17 см. Шоирнинг кундалик дафтари, насрый матнлар ва шеърлари ўрин олган. Ҳижрий 1323 йили (1905) ёзилган.

III.Баёз, №12354, бу тўпламда “Ноєътибор қилма мани” радифли мухаммаси берилган (1776 – 178a).

Абдураҳмон Тамкин таржимаи ҳолига оид маълумот кўп эмас. Тиббиёт мадрасаси билан боғлиқ фаолияти унинг ҳаёт манзараси билан танишишга имкон беради. “Дор уш-шифо” мадрасаси Бухорода табобат соҳаси мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган маҳсус олий ўқув юрти эди. Унда учинчи даражали олий тоифага мансуб банорас тўнли мударрис дарс ўтган³.

Вақфли эди, ҳужжати сақланиб қолган.

Ҳужжатда таъкидланишича: “Ҳазрат Абул Музaffer саид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодурхон ибн ҳазрат Абул Фатҳ саид Надр Муҳаммадхон ҳижрий 1108 йили зулқаъда ойида (милодий 1697 йил май – июн) “Дор уш-шифо” мадрасасини қуриб битказади”⁴.

⁵³ “Матолиъ ул-фохира ва матолиб уз-зоҳира”

² Абдий А. Тазкират уш-шуаро. – Душанбе: Дониш, 1983. – Б.67-69.

³O‘zR MDA. I-126. 1-1995-8.

⁴ O‘zR MDA. I-323. 113-3; 118. “Dor ush-shifo” madrasasi vaqf hujjati.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

У пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Олий гумбазлари ва равоқлари, ички ва ташқи ҳовлиси, тиб илми ўқитиладиган дарсхонаси, ёзги масжиди ва ўн саккизта ҳужраси бор эди⁵.

Вақф ҳужжати шартига кўра, мадрасага Туроннинг икки нафар энг билимдон илғор табиби мударрис бўлиши керак эди. Қози улардан бирини мутавалли вазифасига тайинлаган. Мутавалли вақф мулки тушумидан ушр (ўндан бир) ва мударрислиги учун алоҳида улуш олган. XX аср бошларида “Дор уш-шифо” мадрасаси мударрисининг йиллик маоши 55 тилла эди. Мазкур ахборотлар Абдураҳмон Тамкиннинг жамиятда эгаллаган ўрни, моддий аҳволи анчагина яхши бўлганидан дарак бераётir.

Ҳижрий 1329 йил рабиъ ус-соний ойида (1911 йил апрел) Мирзо Насруллоҳ қушбеги номига ёзилган арзномада мадраса аҳли ўқув биноси ҳолати ёмон аҳволда эканидан шикоят қиласиди⁶. Бу пайтларда “Дор уш-шифо” мадрасасида бошқа мударрислар дарс берарди.

Бухоро арки қаршисидаги Болойи ҳовузга борганимда, қачонлардир ундан унча узокда бўлмаган “Дор уш-шифо” мадрасаси ўрнини ҳам қидиргандим. У XX аср ўрталарида қаровсизликдан хароб аҳволга тушиб қолгани учун “маблағ етишмаслиги” баҳонаси билан бузиб юборилган.

Мадраса бўлганида Бухоро қалъаси деворлари қулатилмасди, мангит хукмдорлари хилхонаси, Сўфи Оллоёрнинг устози Ҳожи Ҳабибуллоҳ ва унинг атрофидаги улуғлар мозори булдозерларда текисланиб, ўрнига футбол майдони қурилмасди...

Абдураҳмон Тамкин ҳаётига уланган сатрларни ўрганиш асносида, бирдан бизга фахрли Бухоро “ёғдулари” ҳақидаги маълумот маълум бўлди. Тамкин уларни “Матолиъ ул-фохира ва матолиб уз-зоҳира” деб атаган экан.

⁵Айрим манбаларда у 15 ҳужра деб кўрсатилган (Асоми мадорис. – Б. 4066; Тарихи Бухоро ва таржумат ул-уламо. – Б. 12). Эҳтимол, XIX асрнинг иккинчи ярмидан унинг бальзи ҳужралари бузилгандир. Бирок Н.Хаников уларни 40 ҳужра деб ёзади (Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.86). Ушбу мадраса ҳақида А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов ҳамкорлигига Субхонқулихонга бағишлаб ёзилган мақолада ҳам қиска маълумот бериб ўтилган. Унда мадрасанинг ўн саккизта ҳужрадан иборатлиги таъкидланади ва мазкур ўқув даргоҳи “Буқъаи дор аш-шифо” деб аталади (Субхонқулихон // Ўрта осиёлик кирқ олим. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.93)

⁶ Каталог Среднеазиатских жалованных грамот из фонда института Востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан. – Германия, 2007. №57



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

Бу асарнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси асосий жамғармасида №8245 рақами билан белгиланган ягона нусхаси сақланади.

Муқоваси қизил рангли қаттиқ қофоз, тили форсий, хати настаълиқ, 455 варак, 31x23 см, ҳижрий 1334 йили (1916) Бухорода ёзилган. Матн тузилиши, тузатишлар ва қўшимча изоҳлар, хатнинг Тамкин қундалигидағи билан мос келиши асар муаллиф дастхати билан ёзилганидан дарак беради.

Муаллиф 19а саҳифада асар номини келтиради ва у 44 бобдан иборат эканини ёзади. Боблар “матлаъ” сўзи билан ифодаланган. Асарнинг охирги қисми тушиб қолган. Матн ўттиз саккизинчи “матлаъ”да тугайди. Ҳар бир матлаъ таркиби намое (топиш), тажалли (кўриниш) ва шаъшаъе (ярқ) каби алоҳида қисмлардан ташкил топган. Матнлар мазмунига кўра, асар номини ўзбек тилига “Фаҳр ёғдулари ва истаклар жилвалари” деб ўғирса ҳам бўлади. Шу тариқа битта “матлаъ” битта “ёғду”га айланади.

Асар тарихий-жўғрофий китоблар туркумига киради. Айрим мутахассислар муаллиф уни ёзишда бирор қатъий қоидага амал қилмаган, деб ҳисоблашади. Маълумотлар – “ёғду”лар (матлаъ) мунчоғига тизилган. Шу тариқа муаллиф иирик ҳажмдаги ахборотларни ўзига хос йўл билан тартибга солишга уринади

Хуносаси

Асрлардан буён анъанага айланиб қолган зуллisonайнлик ҳодисасининг Бухорода собиқ шўро ҳукумати даврида таназзулга юз тутиши халқнинг ўз тарихий меъросидан бебаҳра қолишига олиб келди. Натижада, шарқ шеърияти айниқса, форс-тожик адабиётинг энг кўп тарқалган лирик турлари: ғазал, рубоий, маснавий кабиларнинг ўз эгаларига етиб бормаслик ҳолатлари юзага келди. Бу-икки тилда ижод қилган Абдураҳмон Тамкин ижоди учун ҳам хос бўлди. Биз бугун шоирнинг гўзал ижодини, ибратли ғояларини халқимизга етказиб беришдек ишни амалга оширишга жазм этдик. Зоро, мамлакатимиз равнақи учун нафақат шаклан балки, руҳан, қалбан, фикран соғлом авлодни тарбиялашдек улуғвор ишда Абдураҳмон Тамкин ижодиёти муносиб ўрин тута олади. Фақат уни ўқувчига етказа билишимиз керак.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th March, 2025

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008.
2. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018.
3. Тўраев Д.Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
4. Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013.
5. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
6. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.